SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

■ 2003-YIL ■ 22-APREL ■ SESHANBA ■ 50 (27.070) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

Хусусийлаштирилган корхоналарни корпоратив бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 24 январдаги ПФ-3202-сон Фармонини бажариш юзасидан ҳамда хусусийлаштирилган корхоналарда корпоратив бошқариш принципларини янада жорий этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қ а р о р қ и л а д и:

1. Қуйидагилар:

Акциядорлик жамиятининг кузатувчи кенгаши тўғрисидаги Намунавий низом;

Давлатнинг акциядорлик жамиятларидаги ишончли вакили тўғрисидаги Низом;

Бошқарувчи компаниялар тўғрисидаги Низом;

Акциядорлик жамияти ижро этувчи органининг раҳбарини ёллаш тўғрисидаги Намунавий меҳнат шартномаси тасдиқлансин.

2. Вазирлар Маҳкамаси Комплекслари Хусусийлаштирилган корхоналарни бошқаришни такомиллаштириш масалалари бўйича махсус комиссия, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан биргаликда 2003 йил 1 июлгача бўлган муддатда уюшмалар, корпорациялар, компаниялар, бошқа хўжалик бирлашмаларининг таъсис ҳужжатларини Президентнинг 2003 йил 24 январдаги ПФ-3202-сон Фармони талабларига мувофиқлаштирсинлар, бунда уларнинг таркибига кирувчи корхоналарнинг амалий фаолиятига асоссиз аралашиш имконини берувчи қоидалар истисно этилишини назарда тутсинлар.

Зарурат бўлганда Вазирлар Маҳкамасига Хукуматнинг алоҳида хўжалик бирлашмалари фаолиятини ташкил этиш масалаларини тартибга солувчи қарорларига ўзгартиришлар киритиш юзасидан таклифлар тақдим этилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси:

2003-2004 йилларда акциялар (улушлар, пайлар)нинг давлат пакетларини танлов асосида профессионал бошқарувчи компанияларга ишончли бошқарувга босқичма-босқич бериш жадвалини бир ой муддатда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

2003 йил 1 июлгача мулкида давлат улуши 26 фоизни ва ундан кўпроқни ташкил этадиган акциядорлик жамиятларининг давлат активларини бошқариш бўйича давлатнинг ишончли вакиллари билан акциядорлик жамиятлари профессионал бошқарувчи компанияларга ишончли бошқарувга берилган муддатгача амал қиладиган шартномалар тузсин;

зарурат бўлганда акциядорлик жамиятларининг устав фондидаги 25 фоиз ва ундан кам миқдордаги давлат активларини бошқариш юзасидан ишончли бошқарувчилар билан тузилган шартномаларни Вазирлар Маҳкамасининг «2003-2004 йилларда корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастури тўғрисида» 2003 йил 17 апрелдаги 185-сон қарорига мувофиқ улар биржа ва биржадан ташқари бозорларда тўлиқ сотилгунгача бўлган даврга узайтирсин.

4. Белгилаб қўйилсинки:

тафтиш комиссияси аъзолари ўз фаолиятининг уларнинг ушбу акциядорлик жамиятларидаги ёллаш бўйича меҳнат фаолияти билан бирга қўшиб олиб борилишига йўл қўйилмайди;

акциялар (улушлар, пайлар)нинг давлат пакетлари қийматини баҳолаш, якка тартибдаги лойиҳалар бўйича хусусийлаштириладиган корхоналардан ташқари, баҳолаш ташкилотлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади ва уларни сотишда Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси томонидан бошланғич нарх сифатида белгиланади;

акциялар (улушлар)нинг давлат пакетларини бошқариш харажатлари акциялар (улушлар)нинг давлат пакетларига ҳисобланган дивидендларнинг бир қисми ҳисобига, улар бўлмаган тақдирда эса — давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришдан тушадиган умумий маблағлар ҳисобига амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, Молия вазирлиги Адлия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда давлат активларини бошқариш хизматларига ҳақ тўлаш тартибини ишлаб чиқсинлар ва тасдиқласинлар.

5. Белгиланснки, 2003 йил 1 февралдаги ҳолатига кўра устав фонди Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича 50 минг АҚШ долларидан кам миқдорда бўлган илгари ташкил этилган акциядорлик жамиятлари 2004 йил 1 январгача ўз устав фондларини қайта рўйхатдан ўтказиш санасида кўрсатиб ўтилган суммадан кам бўлмаган миқдорга келтиришлари ёхуд белгиланган тартибда бошқа ташкилий-ҳуқуқий шаклларга айлантирилиши шарт.

6. Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С.Азимов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2003 йил 19 апрель

Руминия Президенти Ўзбекистонда

ТОШКЕНТ. (ЎзА мухбири Бобур Собиров). Руминия Президенти Ион Илиеску 21 апрель куни расмий ташриф билан Ўзбекистонга келди. Тошкент аэропортида юксак мартабали меҳмонни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ўткир Султонов ва бошқа расмий кишилар кутиб олди.

Ўзбекистон Руминия билан 1995 йил октябрида расмий дипломатия муносабатлари ўрнатган. Халқларимизнинг иқтисодий-сиёсий, маданий алоқалари тарихи узоқ. Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов 1996 йил июнида бу давлатга расмий ташриф билан борган. Ўшанда икки давлатнинг келажакдаги ҳамкорлиги соҳаларини белгилаб берган қатор ҳужжатлар имзоланган. Ўтган йиллар мобайнида бу ҳужжатлар Ўзбекистон — Руминия ҳамкорлигини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этди.

Айни пайтда мамлакатларимиз пахтани қайта ишлаш, тўқимачилик, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, дори-дармон, нефть ва газ саноати соҳаларида кенг қамровли алоқаларни йўлга қўйган. Бундан ташқари, Ўзбекистон — Руминия ҳукуматлараро иқтисодий кенгаши ўзаро иқтисодий алоқаларни ривожлантириш, ишбилармонлар ўртасида бевосита мулоқотни йўлга қўйишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ион Илиеску Руминия Президенти лавозимига илк бор 1990 йилда сайланган. 1996 йили у Социал-демократик партиядан сенатор бўлган. 2000 йил декабрида эса Руминия халқи уни иккинчи марта Президентликка сайлади.

Ион Илиескунинг мазкур ташрифи ҳамкорлик истиқболлари, алоҳида эътибор қаратилиши лозим бўлган соҳаларни белгилаб олиш ва умуман Ўзбекистон — Руминия ҳамкорлигини янги босқичга кўтариш учун хизмат қилиши шубҳасиз.

ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ЎН БИРИНЧИ СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн биринчи сессияси 2003 йил 24 апрель куни эрталаб соат 10 да Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мажлислар залида очилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари диққатига

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари 23 апрель куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида рўйхатга олинади.

Сиёсий партияларнинг Олий Мажлис депутатлари фракциялари ва депутатлар блоклари таркибига кирадиган депутатлар диққатига

Олий Мажлисда 22 апрель куни соат 15.00 да Фидокорлар миллий демократик партияси ва «Миллий тикланиш» демократик партияси фракцияларининг йиғилишлари бўлиб ўтади. Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг йиғилиши эса ушбу партия Марказий Кенгашининг мажлислар залида 22 апрель куни соат 17.00 да бўлади.

Олий Мажлисда 23 апрель куни соат 13.00 да сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг Олий Мажлис депутатлари блоки, соат 15.00 да «Адолат» Социал-демократик партиясининг фракцияси ҳамда ҳокимият вакиллик органларининг Олий Мажлис депутатлари блоки йиғилишлари ўтказилади.

Шавкат АКРАМОВ олган сурат

Иқтидорли ёшлар — миллат гурури, мамлакат таянчи

Азизжон 1982 йилда Самарқанд шаҳрида туғилган. 1-сон лицейни 1999 йилда тамомлаган. Худди шу йили Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университетининг ҳуқуқшунослик факультетига ўқишга қабул қилинган.

Илмий-тадқиқот ишлари тўплам, газета ва журналларда чоп этилган. У бозор иқтисодиётига ўтишда ҳуқуқий ислоҳотларнинг долзарб муаммолари мавзуидаги маърузалари билан республика конференцияларида иштирок этган.

СамДУ 4-курс талабаси Азизжон Солиев ҳуқуқшунослик фанлари номзоди, Давлат ва ҳуқуқ кафедраси доценти Карим Назаров илмий раҳбарлигида «Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов — миллий ўзбек давлатчилигининг асосчиси ва назариётчиси» мавзуида битирув малакавий ишини тугаллаш арафасида.

У инглиз тилида эркин сўзлаша олади. Компьютер техникасини мукаммал эгаллаган.

2002-2003 ўқув йилидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендияси совриндорлари орасида Азизжон Солиев ҳам бор.

Унинг орзулари бир дунё. Келажакда халқаро симпозиумларда иштирок этмоқчи, илмий изланишларини давом эттирмоқчи. Бугунги ёшларимиз ўз орзуларига етишлари учун ҳамма имконият етарли. Фақат сабр-бардош билан изланиш, меҳнат қилинса бўлди.

Фарруҳ ҲАМРОЕВ

● КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ЖАМИЯТ САРИ

Учинчи ва «тўртинчи ҳокимият» ҳамкорлиги

Президентимиз И.А.Каримов ўзининг 2002 йил 27 июнда матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига йўллаган табригида шундай таъкидлаган эдилар: **«...жамиятимизнинг бугунги ҳаёти, унинг барча қувончли, шу билан бирга, машаққатли, оғир томонлари матбуот ва оммавий ахборот воситаларида ўзининг қанчалик холисона аксини топса, жамиятимизда шунчалик адолат ва тўғрисўзлик муҳити ҳукмрон бўлади.**

Чунки ютуқни — ютуқ, камчиликни — камчилик, жиноятни — жиноят, хиёнатни — хиёнат, деб, ҳамма нарсани ўз номи билан аташ — том маънодаги демократик жамият матбуотининг ҳақиқий қиёфасини белгилаб беради.

... Бу масала нафақат матбуот, ахборот ва матбаа соҳаси ходимларига, балки жамиятимизнинг барча қатламларига тааллуқли бўлиб, биринчи галда мутасадди ва раҳбар шахсларнинг энг долзарб вазифасидир».

Мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, хусусан, суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган тарихий ўзгаришлар моҳиятини кенг омма эътиборига етказишда оммавий ахборот воситалари асосий ва муҳим роль ўйнамоқда. Масалан, ташкил этилганига эндигина 11 йил тўлган хўжалик судлари фаолиятидан халқимизни воқиф қилиш, бундай фаолиятдаги ютуқ ва муаммолар ҳақида жамоатчилик фикрини шакллантиришда ОАВнинг ўрни беқиёс бўлмоқда. Республика хўжалик судларида кўрилаётган ишларнинг йилдан-йилга кўпайиб бораётганлигига қарамасдан, уларнинг аксарияти хусусида газета ва журналларда мақолалар босилмоқда, телекўрсатув ҳамда радиоэшиттиришлар тайёрланмоқда.

Маълумки, суд ҳокимияти ва оммавий ахборот воситалари ўртасидаги муносабатлар муайян ҳуқуқий базага таянади ва шундай бўлиши ҳам шарт. Модомики, биз ҳуқуқий демократик жамият қуриш йўлидан борар эканмиз, аввало демократия қонунлар доирасидаги эркинлик эканлигини чуқур ҳис этишимиз лозимдир.

Суд ҳокимияти ва оммавий ахборот воситалари ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий базани шартли равишда учга бўлиш мумкин:

1. Халқаро меъёрлар;
2. Конституциявий меъёрлар;
3. Қонунлар ва қонуности ҳужжатлари меъёрлари.

Ўзаро муносабатларимизнинг халқаро ҳуқуқий асоси сифатида «Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларацияси», «Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пактга факультатив протокол»ни, Ўзбекистон Республикаси Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ҳамда бошқа халқаро ташкилот ва альянслар олдидаги мажбуриятларини, Ўзбекистон Республикасининг бошқа давлатлар билан суд-ҳуқуқ соҳаси, ахборот сиёсатига доир тузган битим ва шартномаларини тилга олиш мумкин.

2-бет

Мўртлик ва заифлик

ҳолатидаги сиёсий партия том маънодаги парламент партияси бўла олмайди, дейди Ўзбекистон ХДПнинг Олий Мажлисдаги депутатлар фракцияси раҳбари Изидор Кочмарик

— Изидор Андреевич, маълумки, XI сессия кун тартибига «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги (янги таҳрири) Ўзбекистон Республикасининг Қонуни лойиҳасини биринчи ўқишда киритиш ҳам мўлжалланган. Албатта, сайловларда бевосита иштирок этадиган сиёсий партиялар учун бу қонун ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга. Қонун лойиҳаси ХДП фракциясини қониқтираяптими? Унда сиёсий партияларнинг манфаатлари тўлиқ акс этган, деб ҳисоблайсизми?

— Шубҳасиз, парламент сайловлари тўғрисидаги қонун сиёсий партиялар учун муҳим аҳамиятга эга.

Энг аввало, сессия муҳокамасига киритилаётган лойиҳада «Референдум якунлари ва давлат ҳокимиятини ташкил этишнинг асосий принциплари тўғрисида»ги Конституциявий қонуннинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайловларнинг кўппартиялилик асосида ўтказилиши ҳақидаги қоидалари ҳисобга олинганлигидан қониқиш ҳосил қилдик. Бу билан қонун яратувчилик фаолиятининг асосий юкини ўз зиммаларига олишлари лозим бўлган сиёсий партиялар фракцияларининг мамлакат парламенти қуйи палатасининг асосий функционал бўғинига айланишлари йўлида муҳим қадам қўйилган.

Шу билан бирга, бу ерда қатор масалаларга, бизнинг фикримизча, аниқлик киритиш лозим.

Қонун лойиҳасининг 51-моддасида **«Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туман ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов Ўзбекистон «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ҳамда Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ ўтказилади»,** дейилган. Ўйлайманки, бу моддада ушбу сайловлар, Қонунчилик палатасига сайловлар каби, кўппартиялилик асосида ўтказилади, деб кўрсатилиши тўғри бўлар эди.

Ва тегишли, қонунчилик ҳужжатларига ушбу моддада кўрсатилган, Олий Мажлисга сайловлар тўғрисидаги Қонунга монанд, ўзгартиришлар киритилишини кўзда тутиш лозим. Агар бундай қилинмаса, вилоят Кенгашлари депутатлигига номзодларни давлат ҳокимияти туман, шаҳар вакиллик органларидан ҳамда туман, шаҳар Кенгашлари депутатлигига — фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан кўрсатилиши тартибининг сақланиб қолиш хавфи бор.

Чунки, давлат ҳокимияти вакиллик ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари Кенгашлари аъзолари, ўзларининг расмий ваколатларини амалга ошириш орқали, ўз юрисдикциясидаги сайловчиларга таъсир кўрсатиш учун кенг имкониятларга эгадирлар. Бундан ташқари, ҳокимият вакиллик ва ўзини ўзи бошқариш органлари, тегишли маъмурий ваколатлари туфайли, давлат ҳокимияти органларининг расмий ҳисобот ва бошқа ички маълумотларидан фойдаланиш ҳуқуқига, сиёсий партияларга нисбатан, кўпроқ эга бўлганликлари уларнинг номзодларига сайловолди ташвиқотини олиб боришда афзаллик беради.

Яъни, бу ерда, умумхалқ сайловларида номзодларнинг, тенглик тамойили маълум даражада бузилаяпти.

2-бет

«Ўртачўл»да тармоқ банк

Маълумки, Қизилтепа туманидаги «Ўртачўл» даҳаси ярим чўл зонаси ҳисобланади. Шундай бўлса-да, бу ҳудудда пахтачилик билан бир қаторда ғаллачилик ҳам муттасил ривожлантириляпти. Айни кезда 50 га яқин деҳқон-фермер, оила ва ижара пудратчилари аграр соҳа — ғалла, пахта етиштириш билан машғул. Худди ана шу тадбиркорларга моддий ва маънавий кўмаклашиш, уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида республика акциядорлик тижорат «Ғаллабанк»нинг минтақавий Навоий бўлими «Ўртачўл»да ўзининг кичик тармоқ банкини очди. Натижада фермерлар, якка тадбиркорлар олис йўл босиб Навоийга қатнамайдиган бўлишди.

Музаффар ШАРОПОВ



ОРИЯТ

Вакиллар йиғилди турли томондан,
Турли ирқ, турли дин, турли забондан.
Яхшини ҳар бири меники деди,
Ва лекин ҳаммаси тонди ёмондан.

Абдулла ОРИПОВ
2003 йил 17 апрель

«Тинчлик қўнғироғи» мажмуи очилди

ТОШКЕНТ. (ЎзА мухбири Назокат Усмонова). Пойтахтимизнинг Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида «Тинчлик қўнғироғи» мажмуининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Тошкент шаҳар ҳокими Р.Шоабдурахмонов, Японияннг юртимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси А.Кавато ва бошқалар тадбирда сўзга чиқиб, Ўзбекистон билан Кунчиқар мамлакат ўртасидаги иқтисодий, маданий алоқалар тобора ривожланиб бораётганини таъкидлади. Бундай ҳамкорлик кўлами давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг ўтган йили Японияга ташрифидан сўнг янада кенгаймоқда.

1945 йилнинг август ойида Хиросима ва Нагасаки шаҳарларининг бошига тушган кулфат бутун дунё аҳлини тинчликни ҳимоя қилишдек эзгу ният сари ҳамон сафарбар этаётир. Уруш каби мудҳиш фожиадан башариятни доимо огоҳ этиш мақсадида Тинчлик боғлари Кунчиқар мамлакатнинг талай шаҳарларида, шунингдек, Австралия, Германия, Канада, Туркия, Бразилия, Польша каби кўплаб давлатларнинг йирик шаҳарларида ўрнатилган. Улар осойишталик, тинч ҳаёт ва жаҳон халқлари ўртасидаги дўстлик, абадий биродарлик, ҳамжиҳатлик рамзи ҳисобланади.

Пойтахтимиздаги мажмуа мамлакатимиз раҳбарияти ҳамда Японияннг «Тинчлик қўнғироғи» ташкилоти ташаббуси билан бунёд этилди. Эътиборга молик жиҳати шундаки, у Ҳамдўстлик давлатлари орасида биринчи бўлиб Ватанимиз пойтахтида қад ростлади.

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ
BANK XALQ BANKI

BUSINESS BANK
БИЗНЕС БАНК
ЭНГ ЯХШИ АНЪАНАЛАРДА

Мўртлик ва заифлик

ҳолатидаги сиёсий партия том маънодаги парламент партияси бўла олмайди, дейди Ўзбекистон ХДПнинг Олий Мажлисдаги депутатлар фракцияси раҳбари Изидор Кочмарик

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Қонун лойиҳасининг 55-моддасидаги давлат ҳокимияти вакиллик органларининг қўшма мажлиси чақирилишини тартибга солиш, Сенат аъзолигига номзодлар кўрсатиш ва овоз беришни ўтказиш борасидаги ноаниқ ифодалар бўйича ҳам эътироз-лар бор.

Масалан, ушбу модданинг 1-хатбошисида **«Давлат ҳокимияти вакиллик органларининг қўшма мажлисини чақириш, Сенат аъзолигига номзодлар кўрсатиш, шунингдек, овоз беришни ўтказиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади»,** деб белгиланган. Лекин ушбу масалаларни тартибга солувчи меъёрий ҳужжатлар амалдаги қонунчиликда ҳозирча мавжуд эмас.

Шунинг учун, Сенат аъзоларини сайлаш тартиби бўйича барча масалалар Марказий сайлов комиссияси тасарруфига киритилиши ҳақида ўйлаб кўриш лозим. Фикримизча, бу масаладаги асосий, принципиал ҳолатлар мазкур Қонунда белгиланиб қўйилиши шарт. Сенат аъзолари Марказий сайлов комиссиясининг низоми асосида эмас, балки Қонун асосида сайланишлари лозим.

— Партия Марказий Кенгашининг яқинда бўлиб ўтган пленумида ХДПнинг ҳозиргача том маънодаги парламент партиясига айланмаганлиги таъкидланди. Сиз буни қандай изоҳлайсиз?

— Март ойининг ўртасида бўлиб ўтган пленумда партиямиз ўз фаолиятини танқидий баҳолаб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан Олий Мажлис IX сессиясидаги маърузасида мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган сиёсий партиялар фаолиятига нисбатан билдирилган ҳаққоний баҳодан келиб чиқиб, ўзининг заифлик ва мўртлик ҳолатидан чиқишининг аниқ чораларини белгилаб олди. Ахир, мўртлик ва заифлик ҳолатидаги сиёсий партия том маънодаги парламент партияси бўла олиши мумкинми?

Пленумда биз партиянинг сайланма идоралари ва ташкилотлари фаолиятида ҳанузгача, фақат партиянинг ўзигагина боғлиқ бўлмаган сабаблар боис, жорий ички партиявий ишлар етакчи ўрин эгаллаётганлигини тан олдик. Бизнинг ташкилотларимиз ва партиянинг сайланма идоралари жамоатчилик муҳокамаси марказида турган ислоҳотларнинг ҳозирги босқичидаги ижтимоий-иқтисодий ва бошқа муаммоларидан кўпинча четда турдилар, улар бўйича ўзларининг сиёсий нуқтаи назарларини белгиламадилар, жойларда ислоҳотлар сиёсатининг амалга оширилишидаги мавжуд чала-яримлик ва изчилликнинг етишмаслиги ҳолларига етарли даражада фаол муносабат билдирмадилар.

Мен партиямиз Марказий Кенгаши пленумининг ХДП парламент фракцияси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари аъзоларининг Олий Мажлис ҳамда давлат ҳокимияти маҳаллий вакиллик идоралари сессияларида партиянинг тегишли масалалар юзасидан депутатлар иштирокида ишлаб чиқилган нуқтаи назарини ҳимоя қилишларида зарур қатъиятлилик ҳамда изчиллик кўрсатмаётганликлари тўғрисидаги танқидини адолатли, деб ҳисоблайман.

Ушбу, ўзини ўзи танқид руҳида ўтган пленумда мавжуд сустлик ҳолатини бартараф қилиш бўйича қатор амалий қадамлар белгилаб олинди. Унда партия марказий идоралари, маҳаллий кенгашлари, бошланғич ташкилотлари ҳамда давлат ҳокимияти қонун чиқарувчи — вакиллик тармоғидаги ХДП депутатлик тузилмаларининг ислоҳотлар йўлида тўсиқ бўлаётган муаммо ва камчиликларга нисбатан жим туриш ҳолатидан уларни фаол муҳокама қилишга ўтиш, ўзгаришларнинг рўёбга чиқарилишига халақит бераётган хато ва нуқсонлар бўйича ўзимизнинг қатъий нуқтаи назаримизни ишлаб чиқиш ҳамда уларни, оммавий ахборот воситалари орқали, очиқ баён қилиш асосий йўналиш, деб аниқлаб олинди.

Мазкур муаммолар қаторида халқ таълими ва соғлиқни сақлаш каби муҳим тармоқларнинг бюджетдан тўлиқ молиялаштирилишини таъминлаш, уй-жой коммунал хизматлар учун тарифлар (нархлар)нинг шакллантирилишидаги инфляция ва индексация суръатларига нисбатан номутаносибликларни тузатиш, аграр соҳадаги шартномавий муносабатларнинг самарадорлигини ошириш ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларнинг иқтисодий ва мулкий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, аҳолининг иш билан бандлиги даражасини кўтариш масалалари биз учун алоҳида аҳамиятга эга. Биз ушбу ҳамда бошқа қатор масалалар бўйича, яқин вақт ичида, ХДП парламент фракцияси даражасида ҳам, давлат ҳокимияти маҳаллий вакиллик органларидаги депутатлик гуруҳларимиз орқали ҳам амалий ҳаракатларга ўтиш ниятидамиз.

Қонун ижодкорлиги — ислоҳотларга қанот

Мухбиримизнинг Олий Мажлис Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Нурдинжон Исмоилов билан суҳбати қўмитанинг икки сессия оралиғидаги фаолияти ва сессия кун тартибидаги қонунлар лойиҳаси муҳокамаларига қаратилди.

— Аввало, Олий Мажлиснинг навбатдаги ўн биринчи сессияси муҳокамасига киритилаётган ҳужжатларнинг муҳимлиги ва аҳамияти ҳақида тўхталсангиз.

— Албатта, парламентнинг ўтаётган ҳар бир сессияси мамлакатимиз тарихида муҳим из қолдирмоқда. Иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг ўн биринчи сессиясида ҳам бир қанча қонун лойиҳалари ва ҳужжатлар депутатлар муҳокамасига қўйилган.

— Мен бир сайловчи сифатида сессияларни кузатиб шундай хулосага келдим: партия фракцияларининг ўз позицияси борлиги деярли сезилмайди. Фракциялар ишини жонлантириш учун нималар қилиш керак, деб ўйлайсиз?

— Энг аввало, фракцияларнинг ўзлари «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Қонуннинг 13-моддасида улар учун кўзда тутилган ҳуқуқ ва ваколатлардан тўлароқ ва самаралироқ фойдаланишлари керак.

Шу билан бирга, менинг фикримча, сиёсий партиялар фракцияларининг қонун яратувчилик ишида фаолроқ қатнашишлари учун, уларнинг салоҳиятларидан, ҳозиргидек, фақат сессиялар арафасида қонунлар лойиҳаларининг кўриб чиқилиши ва муҳокама қилинишида эмас, балки Олий Мажлиснинг тегишли қўмиталарида қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш жараёнида ҳам фойдаланиш керак.

Шундай ёндашув партия фракциялари томонидан қонунлар лойиҳалари бўйича киритиладиган таклиф ва мулоҳазаларни тўликроқ ҳисобга олиш имконини берар эди. Амалиётда эса, парламент қўмиталарида буни рўёбга чиқариш учун, Олий Мажлис Регламентида кўзда тутилган вақт етарли эмас.

Бекқул ЭГАМҚУЛОВ суҳбатлашди.

Сессия кун тартибидаги асосий масалалардан бири «Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳрирдаги лойиҳалари, дейиш мумкин.

Бу икки қонун лойиҳалари 2002 йил 27 январда мамлакатимизда ўтказилган референдум якунларини ҳаётга татбиқ қилиш мақсадида ҳамда референдумдан сўнг парламентимиз томонидан қабул қилинган «Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимиятини ташкил этишнинг асосий принциплари тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати тўғрисида»ги Конституциявий қонунлар талабларидан келиб чиқиб навбатдаги сессия муҳокамасига тақдим қилинган. Айтиш мумкинки, бу икки қонун мамлакатимизнинг келажакдаги сиёсий ҳаётини белгилаб беради.

— «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳрирдаги лойиҳасида қандай янгиликлар кўзда тутилмоқда?

— Мазкур қонун лойиҳаси Олий Мажлиснинг қўйи палатасига бўлиб ўтадиган сайловлар ҳамда юқори палатани шакллантириш жараёнининг янги тартибларини белгилаб беришга қаратилган. Шуни таъкидлаш жоизки, сайловларни кўп партиявийлик асосида ўтказиш фуқаролар томонидан депутатликка номзодлар кўрсатиш, умумий, тенг, тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқлари, яширин овоз бериш, ошкоралик принципи ҳамда халқаро миқёсда тан олинган сайловга оид бошқа мезонлар қонунда сақланиб қолиняпти.

Қонунчилик палатасидаги депутатлар сони бир юз йигирма нафар этиб белгиланган учун сайлов округларини тузиш тартиботларини ўзгартириш ҳам кўзда тутилмоқда. Сайловларни ўтказишда ҳамда Сенатни шакллантиришда Марказий сайлов комиссиясига бир қатор ваколатлар берилмоқда.

Лойиҳада қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар сиёсий партиялар ҳамда сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳлари томонидан кўрсатилиши назарда тутилмоқда. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги Конституциявий Қонун талабидан келиб чиқиб, вакиллик органлари ваколатидан қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатиш ҳуқуқи олиб ташланмоқда. Ва шунга ўхшаган бир қатор янгиликларни айтиш мумкин. Мазкур қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилиниши мўлжалланган.

— Нурдинжон ака, қўмитанинг бугунги кундаги бошқа ишлари тўғрисида ҳам тўхталиб ўтсангиз?

— Қўмитамиз томонидан бугунги кунда амалдаги бир қатор қонун ҳужжатларига киритилаётган қўшимча ва ўзгартишлар кўриб чиқилмоқда. Булар жумласига нотариат ва адвокатура фаолиятини тартибга солувчи қонунларга киритилаётган янгиликларни айтиш мумкин.

Шу билан бирга Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига айрим қўшимчалар киритилмоқда. Оммавий тадбирларни ўтказиш қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик белгилаш, давлат статистика органлари томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик ишларини кўриб чиқиш тартибини аниқлаштиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчаларни киритиш масалалари билан ҳам қўмитамиз шуғулланмоқда. Чунки, қонун жамият ҳаётини бир маромда бошқариб туришни зиммасига олади.

— Қўмитанинг икки сессия оралиғидаги фаолиятида асосий йўналиш нимадан иборат бўлди?

— Сессиялар оралиғида қўмитамиз назорат-таҳлил фаолиятига алоҳида эътибор қаратди. Бу соҳада биз нафақат қонунларнинг бажарилиши, балки қўмитанинг олдинги қарорлари қай даражада бажарилаётганини ўрганишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисобладик.

Шу йилнинг 14 февраль куни Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси ҳамда Ёшлар ишлари комиссиясининг қўшма йиғилишида қўмиталар томонидан «Воя-га етмаганлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган қонунларнинг Навоий вилоятида бажарилиши ҳақида» 2000 йил 25 декабрда қабул қилинган қўшма қарорларнинг ижроси муҳокама этилди. Ютуқлар тилга олиниб, камчиликлар кўрсатилди.

Шу билан бирга қонунчилик жараёнини такомиллаштиришга бағишланган бир қатор тадбирлар, жумладан, Европа Иттифоқи комиссияси «Европа-Эйд» дастурининг «Ўзбекистонда демократлаштириш жараёнини ривожлантиришга кўмаклашиш» лойиҳаси билан ҳамкорликда «Қонунларнинг ижросини ташкил этиш механизмлари» мавзуида семинар ўтказилди. Бунда тўплаган тажрибаларимиз, мавжуд муаммолар, уларни бартараф этиш чоралари ҳамда бу соҳадаги халқаро тажрибалар ҳақида фикр алмашилди. Ўйлайманки, семинар фойдали бўлди.

Суҳбатдош: Маъмуржон ҚИЁМОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

ЎЗХДП МК МАТБУОТ ХИЗМАТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

«ОБОД МАҲАЛЛА ЙИЛИ»ДА

● **Тошкент вилоят партия кенгаши** «Обод маҳалла йили» доирасидаги тадбирларда иштирок этиш масалаларига бағишланган «давра суҳбати»ни ўтказди. Суҳбат давомида партия ташкилотларининг жорий йилги фаолиятидаги зарур вазифалар ҳамда «Обод маҳалла йили» дастурини бажариш юзасидан қатор режалар белгилаб олинди.

● ХДПдан халқ депутатлари **Қарши шаҳар** Кенгаши депутати К. Шукуров томонидан «Обод маҳалла йили» дастурини бажариш юзасидан ўтказилган тадбирда унинг раислигидаги «Ойдин» маҳалла фуқаролар йиғинида олиб борилаётган ишлар таҳлил қилиниб, фаолликни ошириш бўйича қатор таклифлар киритилди.

● **Асака тумани** «Зарбдор» ҳудудий партия ташкилоти ташаббуси билан «Энг обод маҳалла» мавзуидаги тадбир бўлиб ўтди. «Маҳалла» жамғармаси, «Камолот» ЁИҲ туман бўлимлари вакиллари ҳам иштирок этган мазкур тадбирда амалга оширилаётган ишлар, бажарилиши зарур бўлган вазифалар ҳамда ечимини кутаётган муаммолар қизиқарли кўринишлар, беллашувлар орқали очиб берилди.

● «Обод маҳалла йили» дастурини бажариш юзасидан **ХДП Тўрткўл, Қораўзак туман кенгашлари** жойларда турли тадбирлар ўтказиб, қатор амалий ишларни бажардилар.

МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ ТАДБИРЛАР

● **Урганч шаҳар, Косонсой, Сирдарё, Кўрғонтепа туман партия кенгашлари** томонидан «Тинчлик учун курашмоқ керак», «Гиёҳвандлик умр заволи», «Маҳаллам фахрим менинг» мавзуларида ўтказилган учрашув ва «давра суҳбат»лари йиғилганларда катта қизиқиш уйғотди. Ёшларни турли хил ёмон йўллардан қайтариб, уларда ватанпарварлик туйғусини шакллантиришга хизмат қилувчи ушбу тадбирларда Урганч шаҳар, Кўрғонтепа туман партия кенгашлари биринчи котиблари О. Абдуллаев, З. Каримова ва Сирдарё туман партия кенгаши ходимлари Д. Юсупов, Р. Қодировлар иштирок этди.

● **Тахтакўпир тумани** 12-сонли касб-ҳунар коллежида, туман ҳокимлиги ва партия кенгаши ҳамкорлигида, Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 10 йиллигига бағишланган савол-жавоб кечаси ўтказди.

● **Хатирчи, Тўрткўл, Чуст туман партия кенгашлари** жойларда Амир Темур таваллуд кунига бағишланган турли тадбирларни ўтказдилар.

ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

● **Ўзбекистон ХДП Бухоро, Навоий вилоят, Андижон, Бекобод шаҳар, Жалолқудуқ, Марҳамат, Пахтаобод, Тахтакўпир, Янгиқўрғон туман кенгашлари**нинг бу галги пленумлари МК V пленуми қарорларидан келиб чиқадиган вазифалар ҳамда партия ташкилотлари ишини фаоллаштириш, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликни кучайтириш масалаларига бағишланди. Ф.Кийикбоев Пахтаобод туман партия кенгаши биринчи котиби этиб сайланди.

● **Тўрткўл тумани** «Шибуқли» сайлов округидан чиқиб кетган депутатнинг ўрнига халқ депутатлари туман Кенгашига сайлов ўтказилди. Унга кўра, туман партия кенгашидан кўрсатилган номзод - У. Таджиев туман Кенгашига депутат этиб сайланди.

● ХДП **Тошкент вилоят** кенгаши Чирчиқ шаҳар партия ташкилоти негизида вилоятдаги шаҳар, туман партия кенгашлари котибларининг семинар-кенгашини ўтказди. Унда Чирчиқ шаҳар партия кенгаши биринчи котиби Д.Азизхўжаев «Ҳудудий партия гуруҳларининг вазифалари тўғрисида» маъруза қилди. Семинар иштирокчилари мавзу юзасидан баҳс-мунозара қилиб, ўзаро фикр алмашдилар.

● Шу кунларда **Ширин шаҳар ва Боёвут, Булоқбоши, Янгийўл, Уйчи, Чортоқ туманлари**даги қатор бошланғич партия ташкилотлари томонидан, МК V пленумида кўтарилган масалалардан келиб чиқиб, партия ташкилотларидаги сусткашликларга барҳам бериш, уларнинг фаоллигини оширишга қаратилган йиғилишлар, тадбирлар ўтказилмоқда. МК пленуми ҳужжатлари ижросини таъминлаш мақсадида, Ширин шаҳридан С.Ярибеков, О.Алимова, Боёвут туманидан Қ.Раҳмонова, С.Абдуқодиров каби фаол партиядошлар мамлакатимиздаги парламент ислоҳоти ва бу жараёнда партия ташкилотларининг вазифалари тўғрисида маҳаллалар ва меҳнат жамоаларида чиқишлар қилмоқдалар.

Бош тегирмон янгиланди

«Намангандонмаҳсулот» акциядорлик уюшмасида бош тегирмоннинг қайта жиҳозланиши вилоят халқ хўжалигида катта воқеа бўлди. Эндиликда у бир кеча-кундузда 250 тонна донни янчиб, уч хил юқори сифатли ун ишлаб чиқариш қувватига чикди. Йиллик қуввати — 60 минг тонна, пулга чақсангиз 9 миллиард сўм. Айни пайтда бу ерда қайта ишланган кепак ва дон чиқиндиларини керакли компонентлар билан бойитиб, чорвачилик, хусусан, паррандачилик озуқа базасини мустаҳкамлаш имкони ҳам яратилди. Янгиланган тегирмон маҳсулот ишлаб чиқаришдаги харажатларни 1,5-2 баробарга камайтиради. Бу — республикамиз ҳукуматининг «Дон тайёрлаш ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш тизимида харажатларни қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори (2002 йил, 4 декабрь) ижросига наманганлик саноатчиларнинг амалий жавобидир.

Тегирмонни замонавий таъмирлаш ва жиҳозлаш ишларида «Ўздонмаҳсулот» Давлат акциядорлик корпорацияси ҳамда республика «Галлабанк» жамоаларининг кўмаги катта бўлди. Унга Швейцариянинг «Бюлер» фирмаси лицензияси билан Россия Федерацияси ва Украинада ишлаб чиқарилган энг мукаммал, такомиллашган ускуналар ўрнатилди. Таъмир ишларининг ўзига 2,3 миллиард сўм маблағ сарфланди. Бунинг 738 миллион сўми қурилиш-монтаж ишларига, 1 миллиард 562 миллион сўми эса дастгоҳлар сотиб олишга харжланди.

✧✧✧

Суратларда: корхонанинг тажрибали лаборанти, «Дўстлик» ордени нишондори Любовь Мусина; илғор ишчилар (чапдан) Аҳмаджон Жўраев, Ориф Абдуллажонов, Боқижон Қўлдошев, Расулжон Ўсаров; замонавий дастгоҳлари ўрнатилган цех; тайёр маҳсулотлар жўнатилмоқда.

Турғунбек МАҲКАМОВ ва Нуриддин МАҲКАМОВ олган суратлар.

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ЖАМИЯТ САРИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Суд ҳокимияти ва оммавий ахборот воситалари муносабатларининг конституциявий асослари Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қатор моддаларида қайд этилган.

Оммавий ахборот воситалари ҳамда суд ҳокимиятининг ўзаро муносабатларини тартибга солувчи муҳим база — бу қонунлар ва қонуности ҳужжатлари меъёрларидир. Буларга Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, Фуқаролик процессуал кодекси, Жиноят кодекси, Жиноят-процессуал кодекси, Хўжалик процессуал кодекси, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс, «Судлар тўғрисида»ги, «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги, «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги, «Ноширлик фаолияти тўғрисида»ги, «Журналистик фаолиятни ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги, «Давлат сирларини сақлаш тўғрисида»ги, «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги, «Реклама тўғрисида»ги, «Архивлар тўғрисида»ги, «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги, «Телекоммуникациялар тўғрисида»ги, «Алоқа тўғрисида»ги, «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Қонунларни киритишимиз мумкин.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, оммавий ахборот воситаларининг конституциявий мақоми сифатида Асосий Қонунимизда алоҳида боб ажратилиши муҳим аҳамият касб этади. Зеро, Конституция мўътабар ҳужжатдир. Унга сўзсиз амал қилмоқ, итоат этмоқ ҳар бир фуқаронинг бурчи. 67-моддада таъкидланганидек, оммавий ахборот воситалари эркиндир ва қонунга мувофиқ ишлайди. Фикримизча, суд ҳокимияти ва оммавий ахборот воситалари ўртасидаги муносабатлар аввало, ана шундай эркинлик тамойили асосида қурилмоғи лозим. Яъни журналист ўзи гувоҳи бўлиб турган воқеа-ҳодисани ўз билганича тасвирласин. Албатта, фақат қонунлар доирасида... Бироқ турли чалкашликлар, ноаниқликларнинг олдини олиш мақсадида муайян масала юзасидан ўзаро фикрлашиш фақат фойдалидир. Истисносиз айтамизки, бундай фикрлашув зинҳор оммавий ахборот воситаси ёки журналистнинг эркинлигига путур етказмаслиги шарт.

Конституциямизнинг 113-моддасида «Ҳамма судларда ишлар очиқ кўрилади. Ишларни ёпиқ мажлисда тинглашга қонунда белгиланган ҳолларда-гина йўл қўйилади», дейилган. Мисол учун, республика хўжалик судларида кўриладиган деярли ҳамма ишлар очиқ мажлисда кўрилади. Ҳатто, биз аксарият ишларимизни сайёр суд мажлисларида, бевосита кенг жамоатчилик вакиллари иштирокида кўраяпмиз. Бу кўп томондан фойдалидир.

Бироқ қонунда йўл қўйилган тартибда ишларнинг ёпиқ мажлисда кўрилиши иш тафсилотларини ёритмоқчи бўлган журналистни асло ранжитмаслиги керак. Суднинг асосий мақсади ишни одил, қонуний, сифатли ҳал этишдир. Агар ишни ёпиқ мажлисда кўриш бунга хизмат қилса, судья қонуний имкониятдан фойдаланишга ҳақлидир.

Суд ва оммавий ахборот воситалари ҳамкорлиги соҳасида қонунийлик ва ҳуқуқий тартибни таъминлаш бугунги кундаги долзарб масалага айланди. Бироқ афсуски, муайян ҳуқуқий меъёрлар, қонун-қоидаларни яхши билмаслик ёки уларга мурожаат қилишни истамаслик оқибатида матбуотда баъзан эҳтиросларга тўла материаллар ҳам чоп этилмоқда. Ҳатто, суднинг биринчи инстанциясида кўрилган ишни ҳакамларча баҳолаш ҳолларига ҳам дуч келамиз. Ҳолбуки, қонунда айнан қўйи инстанцияларда қабул қилинган суд ҳужжатларининг қонунийлигини текшириш мақсадида апелляция ва кассация инстанциялари фаолият юритиши белгилаб қўйилган. Суднинг қарорига нисбатан тўғри ёки нотўғри деб баҳо бериш аввало ана шу инстанцияларда иш кўрувчи судьялар ваколатига киради.

Учинчи ва «тўртинчи

Ҳали юқори босқичнинг муайян қарори чиқмасдан, суд ҳужжатига у ёки бу тарзда журналистнинг баҳо бериши жиддий чалкашликларни келтириб чиқариши мумкин. Энг ёмони — бу ҳол судларга, мавжуд қонунчиликка нисбатан жамоатчилик фикрининг нотўғри шаклланишига сабаб бўлади. Албатта, ҳамма суд ҳужжатлари ҳам юз фоиз қонунга мос чиқарилмоқда, деб узил-кесил айтиш қийин. Ўз навбатида ҳамма судья ҳам холис ва ҳаққоний иш кўряпти, десак муболаға қилган бўламиз. Аммо бунга биринчи бўлиб баҳо беришга ҳам қонуний томондан, ҳам маънавий томондан журналистлардан кўра юқори турувчи судлар кўпроқ ҳақлидир. Мавжуд қонунларимизда эътироф этилганидек, ҳали тергов ёки суд жараёнлари давом этаётган иш юзасидан шахсий мулоҳазаларни ҳукм сифатида оммага тақдим этиш мақсадга мувофиқ эмас, албатта.

АЧЧИҚ, АММО ОЧИҚ ГАП

«Ишламаганга... ер йўқ!»

ПУДРАТЧИЛАРНИНГ БУ ФИКРИ ОХИР-ОҚИБАТ ҚАРОРГА АЙЛАНДИ

«Мулк ўз эгасини топсин!» Хукуматимизнинг сиёсати шундай. Бу барча соҳага таллуқли. Айниқса, сўнгги йилларда сувсизлик ва бошқа об-ҳаво инжиқликларидан азоб чекаётган воҳа деҳқонларига бу сўз шиорга, янада аниқроғи, хукмга айланган. Ҳозир гўё тармоқда мулкчиликнинг барча шакллари ўртасида гоҳ ошкора, гоҳ пинҳона кураш кетаётгандай. Бозор иқтисоди сиёсатининг талаби ҳам шу. Рақобатга бардош беролмаган мулкчилик ўз-ўзидан синади — касодга учрайди.

...Ҳазорасп туманидаги «Хоразм» ширкат хўжалиги пудратчилари вакилларининг йиллик ҳисобот йиғилишида қизиқ ҳодиса рўй берди — хўжалик бошқарувининг ўтган йил якунлари борасидаги ҳисоботи тинглангач (ширкат хўжалиги бошқарувининг бир йиллик фаолияти қониқарли деб топилганини қайд этиб ўтиш жоиз), мажлис кун тартибидаги яна бир масала муҳокамага қўйилди. Яъни, хўжаликда фермер хўжалиги ташкил қилиш тўғрисида мурожаат қилган фуқароларнинг аризаларини кўриб чиқиш.

Кетма-кет минбарга илғор пудратчилар, бригада бошлиқлари, мутахассислар, кекса пахтакорлар кўтарилдилар. Уларнинг фикр-мулоҳазаси бир хил эди: «Биз ширкат кўринишида ишлашга розимиз. Лекин ерни (у хоҳ пудрат шаклида бўлсин, хоҳ фермер кўринишида) ишлайдиган ва ундан керакли ҳосил етиштирадиган кишиларга бериш керак!»

Хўжалик ҳудудида ҳозир ўнлаб фермер хўжаликлари фаолият кўрсатаётганини айтиш керак. Уларнинг фаолияти ҳам ёмон эмас. Айни пайтда ширкат хўжалигининг иқтисодий аҳволи ҳам бошқа хўжаликларга қараганда дуруст. Мисол учун, ширкат хўжалиги ўтган йили буғдой етиштириш режасини 121 фоизга бажарди, пахта сотишда ҳам муайян ютуқларга эришилди. Тўғриси, сўнгги уч-тўрт йилда вилоятда пахта етиштириш борасида айнан шу хўжалик илғорликни қўлдан бермай келмоқда. Тармоқлардан жами 726 миллион сўм даромад олинди.

Ана шу даромадлар ўз навбатида хўжалик камқўстини бутлашга яраяпти. Сўнгги тўрт йилда техниканинг саксон фоизи янгиланди. Қишлоқ йўлларини асфальтлаш, чекка маҳаллаларга табиий газ қувурлари тортиш ишлари давом этмоқда. 2243 гектар ерда деҳқончилик қилаётган ширкат аъзолари баҳорги экиш мавсумига барвақт ҳозирлик кўриб қўйишди. Ерлар шўри ювилди. 135 дона трактор-механизмлар таъмирланди, етарли минерал ва маҳаллий ўғит жамғарилди.

...Фермерлик ташкил қилиш тўғрисида ариза ёзган 31 фуқаро жами 500 гектар ер сўраган. Хўжаликда 24 минг аҳоли истиқомат қилаётганини, уларнинг аксари қозони шу ер ҳисобидан қайнаётганини айтсак, ширкатчилар бировга ерни осонликча бермасликлари маълум. Худди шундай бўлди ҳам — айрим аризалар рад этилди.

Янада қизиқроғи... пудратчи аёл сўз олиб, икки боласи борлиги ва тасарруфидаги икки гектар пудрат майдони О.Бобоев деган кишига фермерлик учун ажратилганини, энди ўз оиласини қандай боқишини айтиб, йиғлаб юборди. Ана шунда пудратчилар кетма-кет сўз олиб, сўнгги пайтда қишлоқда бир тоифа кимсалар пайдо бўлишдики, улар илгари савдо-сотиқ ва бошқа енгил-елпи ишлар билан шуғулланиб, деҳқончилик қилишмаганини энди эса ички бозорларимизнинг ташқи йўллари бекилгач, ер олиш пайига тушаётганини фош қилиб ташлашди.

Юқорида эслатилган О.Бобоевнинг хўжаликка алоқаси йўқ. Аммо бир йилки, фермер бўлиш учун республика ва вилоятдаги масъул идораларга хўжалик раиси Т.Жуманиёзов устидан аризабозлик қилиб келди. Шундан сўнг раис «масъул» идора ходимлари тазйиқи билан ўтган йили унга фермер хўжалиги ташкил қилиш ҳақида қарор чиқариб берди. Йиғилиш қатнашчилари муқаддам чиқарилган бу қарорни бекор қилинишини талаб этишди. Талаб овозга қўйилди. Қарор бир овоздан бекор қилинди. Бугина эмас, ўша куни шундай йўл билан фермерликка қарор чиқартирган яна икки фуқаро борасидаги қарор ҳам ўз кучини йўқотди.

«Ўтган йили неча ойлаб кетма-кет ана шундай аризаларни ўрганиш кўпчиликнинг вақтини олди, айрим мутахассисларнинг қўли ишдан совиди...

Ер — давлатники! Хўжалик аъзолари ундан фойдаланишяпти. Отамдан қолган ер бормиди-ки, сўраганга бўлиб бераверсам...»

Бу хўжалик раиси Тоҳир Жуманиёзов сўзи.

...Маълум бўлишича, ҳукуматимизнинг бозорларни тартибга солиш борасидаги қароридан сўнг тумандаги йирик «Ҳазорасп кийим-кечак» бозорида қонунсиз, ҳужжатсиз моллар билан савдо қилиб, фақат ўз ҳамёнини қаппайтиришга рўжу қўйган айрим «учар»лар эндиликда пудратчилар ерларига кўз олайтиришяпти, таниш-билишлари ва ҳатто пулларини рўкач қилиб, гектар-гектар ер ундириш ҳаракатига тушишяпти. Мақсадлари амалга ошмаса, аризабозлик билан раҳбарларни қўрқитишни ўйлашяпти.

Умри далада ўтган, ҳар бир қарич ерни ўз фарзандидек билган деҳқон ерига бирор амалдор, ёки бирор «бели бақувват» кимса беписандлик билан кўз олайтирар экан... кўпчиликнинг йиғилишда жўр бўлиб айтган қарорига иложсиз қўшиласиз:

«Ишламаганга ер йўқ!».

Рўзимбой ҲАСАН,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Пекиндаги музокара — биринчи қадам

Бундан бир неча ой олдин Шимолий Корея ядро куролини тарқатмаслик ҳақидаги халқаро шартномадан чиқиб, ўзининг ядровий дастурини қайта тиклаш тўғрисида баёнот берганидан бери дунё сиёсат оламида яна бир муаммо пайдо бўлди. Маълумки, Шимолий Корея ҳукумати қуруқ баёнот билан чегараланиб қолмасдан, Ёнбен шаҳридаги 1965 йилда собиқ СССР ёрдамида қурилиши бошланган ва кейинчалик тўхтатиб қўйилган реакторни ишга тушириш учун тайёрлашга астойдил киришиб кетди. Бундан биринчи навбатда унга қўшни бўлган давлатлар ташвишга тушиб қолишди, АҚШнинг расмий доиралари қатъий баёнотлар билан чиқишди. Ниҳоят, муаммонинг мураккаблигини ва жиддийлигини эътиборга олган БМТ бу масалани Хавфсизлик Кенгашида кўриб чиқишга қарор қилди.

Ана шундай вазиятда халқаро дипломатия жонланиб кетди. АҚШ, Россия, Хитой, Япония, Жанубий Корея ҳукуматлари ўртасида ўзаро фаол маслаҳатлашувлар жараёни борди. Мулоқотлар, фикр алмашишлар, муносабатларни мувофиқлаштириш натижасида шу йил 23 апрель куни Пекинда Америка Қўшма Штатлари, Хитой Халқ Республикаси ва Корея Халқ Демократик Республикаси вакиллари ўртасида музокара жараёнини бошлаш ҳақида келишувга эришилди. Бу мавжуд муаммони ҳал қилиш йўлида қўйилган биринчи қадам — изчил дипломатиянинг дастлабки ғалабаси эди. Энг муҳими, музокарада қатнашишга Россия, Япония ва Жанубий Корея вакиллари ҳам таклиф этилди. Оқ уй аппаратининг раҳбари Эндрю Кард бу борада баёнот бериб шундай деди: «Шимолий Кореянинг минтақага хавф туғдиришига йўл қўймаслик учун Хитой, Россия, Жанубий Корея, Япония ва АҚШ бирга ишлашлари керак».

Япония ҳукумати музокара бошланишидан мамнунлигини билдирди ва музокаралар жараёнида КХДР махсус хизматлари томонидан ўғирлаб кетилган япон фуқаролари масаласи ҳам кўтарилади деб умид қилмоқда. Шунингдек, Япония Пекиндаги музокара жараёнига Шимолий Кореянинг ядровий дастури билан боғлиқ муаммони ҳал қилиш йўлидаги биринчи босқич, дея қарамоқда ва унинг танаффуссиз ўтишини истамоқда. Жанубий Корея ҳам музокара жараёнининг бошидан охиригача иштирок этиш истагида. Пекиндаги музокара олдидан АҚШ, Жанубий Корея ва Япония ташқи ишлар идораларининг вакиллари учрашиб, Шимолий Корея бўйича ўз муносабатларини мувофиқлаштириб олдилар.

Албатта, бу муаммони ҳал қилишда Россиянинг ҳам иштироки зарур. Шимолий Корея худди Хитой билан бўлганидек Россия билан ҳам яқин ва дўстона муносабатлар ўрнатган. Уларнинг алоқалари кўп йиллик тарихга эга. Бунинг устига улар чегарадош қўшни давлатлар. Шунингдек, Россия кейинги пайтда Жанубий Корея билан ҳам яқин ҳамкорликни йўлга қўйиб, икки томонлама алоқаларни тобора ривожлантириб бормоқда. Ҳатто ўтган йилнинг кузида икки давлат ўртасида хавфли ҳарбий фаолиятни чеклаш тўғрисида муҳим шартнома имзоланди. Ана шундай вазиятда Корея ярим оролидаги сиёсий майдонда Россиянинг иштирок этиши зарурлигига аҳамият берилаётганлиги бежиз эмас.

АҚШ билан 1994 йилда имзоланган шартномага кўра, Шимолий Корея бутун ярим оролни ядросиз ҳудудга айлантириш мажбуриятидан келиб чиқиб, ўзининг ядро куролини яратмасликка сўз берган эди. Бунга жавобан АҚШ Шимолий Кореяга тинчлик мақсадларида ишлатиладиган иккита реактор қуриб беришни ваъда қилди. Тез орада Кумхо шаҳрида реактор қурилиши бошланди. Бироқ кейинчалик бу қурилиш тўхтатиб қўйилди. Икки ўртада муносабатлар кескин тус ола бошлади. Шимолий Корея шартномага амал қилишни бир томонлама тўхтатди ва бундан қарийб 38 йил олдин қурилган, ядро куроли яратиш имкониятини берадиган эски реакторни қайта тиклаш ишларини намойишкорона бошлаб юборди. Жанубий Корея, Хитой, Россия, Япония ҳукуматларининг ҳамда халқаро ташкилотларнинг (жумладан МАГАТЭнинг) саъй-ҳаракатлари натижасида минтақада юзага келган қалтис вазиятни бироз бўлса-да, юмшатишга эришилди. Шундан кейин АҚШ Шимолий Кореяга ҳеч қандай шартларсиз 1994 йилдаги шартномага қайтишни таклиф қилди. Эски шартнома қай даражада янгиланади ёки қандай янги шартнома имзоланади — буни Пекиндаги музокаранинг натижаси кўрсатади. Музокарада қатнашаётган давлатларнинг жаҳон ҳамжамиятида ҳамда дунё сиёсат оламида тутган ўрни ва аҳамиятларига қараганда музокаранинг муваффақиятли тугашига ишонч катта.

Иброҳим НОРМАТОВ,
сиёсий шарҳловчи.

Озод этилди

Пентагон вакили берган маълумотларга таяниб Си-Би-Эс телеканали хабар тарқатишича, Америка-Британия қўшинлари асирга тушган Ироқ армияси вакилларидан 927 нафарини озодликка чиқарди.

Шу кунларда 6 минг 850 нафар ҳарбий асирликда сақланмоқда.

Улар айбини аниқлаш жараёнлари бошланди. Айбсизлар озодликка чиқарилади.

Салкам бир ой давом этган ҳарбий ҳаракатлар натижасида Саддам Ҳусайн тузумига барҳам берилди. Аммо Саддам Ҳусайн тақдири ҳали номаълум. На тиригидан дарак бор, на... У ва унинг тузуми етакчиларидан 55 нафари Пентагон томонидан қидирилмоқда. Уларнинг суратлари ёпиштирилган ва улар ҳақидаги маълумотлар ёзилган карточкалар коалиция кучлари ҳарбийларига тарқатилган. Қидирув эса бесамар кетмаётир. Куни кеча Ироқ полицияси мамлакатнинг собиқ молия вазири Ҳикмат Иброҳим ал-Аззавини Бағдодда қўлга туширди ва коалиция кучлари ихтиёрига топширди.



ШАРҲЛОВЧИ МИНБАРИ

Ироқ: зулмкор тузум барҳам топди

ҲАЁТ ИЗГА ТУШИБ, МАМЛАКАТНИ ҚАЙТА ТИКЛАШ ИШЛАРИ БОШЛАБ ЮБОРИЛДИ

BBC News берган маълумотга кўра, у қидирувдагилар рўйхатида қирқ бешинчи ўринда турибди. Шунингдек, Associated Press агентлиги хабар беришича, Ироқда кимёвий қуроллар ишлаб чиқариш бўйича нафақат мутахассис, балки етакчилардан бири Эмад Ҳусайн Абдулла Ал-Ани ҳам яқинда Америка раҳбариятига ўзини топширди. У кимёвий қурол ишлаб чиқариш жараёнида бевосита қатнашган. Шунингдек, дунёдаги энг хавфли кимёвий қурол — асаб тизимини фалажловчи VX моддасини яратишда ҳам иштирок этган. Шу билан бирга Ал-Ани кимёвий қуролланиш бўйича Ироқдаги Muthanna State Establishment давлат лабораториясини ҳамда Fallujah-2 заводини бошқарган. Ўтган ҳафта ўрталарида эса Ироқ ядро дастурини яратиш борасида етакчилардан бири бўлган Жафар ал-Жафар Яқин Шарқ мамлакатларидан бирида қўлга олинган эди.

Америкаликлар яқин кунларда Ироқдаги оммавий қирғин қуроллари борасида муҳим манбаларга эга бўлишга умид билдирмоқдалар.

Энди Ироқдаги вазият ҳақида тўхталадиган бўлсак, аввало шуни таъкидлаш лозимки, Бағдод учун жангларда асосий зарба берувчи куч ҳисобланган Америка денгиз пиёдалари ўз позицияларини одатдаги пиёдалар бўлинмаларига топшириб, шаҳарни тарк этмоқдалар. Шаҳар назорати эндиликда шу бўлинмалар ихтиёрида бўлади. Бу Ироқ пойтахтида жанговар тўқнашувлар бошқа содир этилмаслигидан далолатдир.

Шунингдек, коалиция таркибидаги Буюк Британия қўшинлари ҳам Форс кўрфазини тарк этиб, ватанига қайтмоқдалар. «Бироқ барча қўшинларимизни ҳозирча бутунлай олиб чиқиб кетмаймиз. Негаки, Ироқни қайта тиклаш ишлари ҳали якунланмайди», деди Британия Мудофаа вазирлиги вакили.

Австралия мудофаа вазири Роберт Хилл эса Австралиянинг 2 минг кишилик контингенти май ойида ватанига қайтишини маълум қилди. Жумладан, «Анзак» ва «Дарвин» ҳарбий кемалари 600 нафар денгизчиси билан, F/A-18 Hornet русумидаги 14 та қирувчи самолёти 150 нафар учувчиси билан, Форс кўрфази акваториясини миналардан тозалашда қатнашган ғаввослар майда бу ҳудудни тарк этадилар.

Шаҳарлардаги талончилик ва ўғриликларнинг пайи қирқилмоқда. Жумладан, маҳаллий шайхлар кўнгиллилардан ташкил топган халқ дружиначиларини тузмоқдалар. Бугунги кунда Бағдоддаги шифохоналар, давлат муассасалари, корхона-ташкилотлар минглаб дружиначилар томонидан қўриқланмоқда. Йўлларда текширув пунктлари ташкил этилган. Улар маошсиз ишлашмоқда, яъни ўз ватани келажаги учун шундай қилишмоқда, дейилади Reuters агентлиги ахборотида. Ҳатто айрим талончилар кўнглида ҳам ватанпарварлик ҳисси жўш ургани дружиначиларни қувонтирмоқда. Қадимий ёдгорликларни ўрганиш ва сақлаш илмий гуруҳи раҳбари Жабар Ҳилилнинг айтишича, шу кунгача 20 дан ортиқ буюм ўғрилар томонидан Бағдоддаги Ироқ Миллий музейига қайтариб олиб келиб берилган. Виждон азоби тинчлик бермаганини улар тан олишган. Ҳозир музей АҚШ денгиз пиёдалари томонидан қўриқланмоқда. ЮНЕСКО бош директори Коитиро Мацуура эса мамлакат маданий ёдгорликларини муҳофаза қилиш борасида махсус халқаро жамғарма ташкил этди ва унга биринчи бўлиб Италия амалий жавоб берди. Франция, Қатар, Германия, Буюк Британия ва Миср давлатлари ҳам молиявий ёрдам беражагини билдиришди. Бу маблағлар нафақат маданий ёдгорликларни асраб қолишга, балки маҳаллий маъмурият тизимини қайта тиклашга, маданий муассасаларни, тарихий ёдгорликларни қўриқлаш учун полиция контингентини ташкил этишга сарфланади.

Ироқни қайта тиклаш ва Ироқ халқига ёрдам бериш жараёнига жаҳон жамоатчилиги бефарқ эмаслигини дунё оммавий ахборот воситалари эътироф этмоқда. Хусусан, Эроннинг қизил Ярим Ой ташкилоти шанба куни озиқ-овқат ва дори-дармондан ташкил топган 500 тонна инсонпарварлик ёрдамини жўнатди.

Маълумки, БМТнинг Бутунжаҳон озиқ-овқат дастури урушдан азият чеккан Ироқ халқини 4 ой давомида озиқ-овқат билан таъминлаш мажбуриятини зиммасига олган эди.

«Новости» хабарига кўра, бу 27 миллионлик Ироқ аҳолисига инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш борасидаги энг катта операциядир. Бунда 480 минг тонналик ёрдам кўрсатилиши назарда тутилган. Шундай ёрдамнинг биринчи партияси куни-кеча Эрон орқали Ироқ чегарасига ўтказилди, яъни 11 та юк машинаси 102 минг литр сувни ироқликларга етказиб берди. БМТнинг яна 100 тонна озиқ-овқатдан иборат юки айрим бюрократик тўсиқлар сабаб, ҳали манзилига етиб борганича йўқ. 13 минг тонналик юк эса Эрон омборхоналарида жўнатишга тайёр турибди.

Жаҳон жамоатчилиги нафақат аҳолини танг вазиятдан қутқармоқда, балки, ҳатто Бағдоддаги ҳайвонот боғи ҳам улар эътиборидан четда қолмади. «Қувайт таймс» газетаси хабарига кўра, 7 тонна музлатилган гўшт, мева-сабзавот ва дон-дун Қувайтдан Бағдод ҳайвонот боғи учун жўнатилди. Шуни таъкидлаш лозимки, талончилар томонидан боғ ҳам талон-торож этилган. 300 дан ортиқ қуш ва бошқа жониворлар ўғирлаб кетилган. Фақат йирик ҳайвонлар ва йиртқичлар қолган холос.

Ироқ халқига ёрдам шулар билан чегараланиб қолмайди. АҚШ Президенти Жорж Буш Ироққа қарши қўлланилиб келинаётган иқтисодий жазони бекор қилишни БМТ эътиборига ҳавола этди. «Ҳарбий операция поёнига етди. Ироқ эски тузумдан озоддир. Энди Ироқни тиклаш керак. Шунинг учун БМТ унга қўллаган барча чекловларни бекор қилиши лозим» деди Буш.

Маълумки, 1990 йили Ироқ Қувайтга бостириб киргани боис унга нисбатан иқтисодий жазо чоралари жорий қилинган эди.

Британия ҳарбийлари эса Ироқда электр энергияси ва сув таъминотини тиклаш ишларида қатнашмоқдалар. «Биз Ироқни шунчаки ташлаб чиқиб кета олмаймиз. Мамлакатда янги ҳаётни изга солишга биз ҳам масъулмиз» деди Буюк Британия мудофаа вазири Жеффри Хун BFBS телерадио хизмати орқали чиқиш қиларкан. Шунингдек, Сан-Францискодаги Bechtel Group қурилиш компанияси Ироқни тиклаш ишларида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди. У 680 миллион долларлик шартномага эга бўлди. Компания электростанцияларни, сув ва оқавалар тизимини, аэропорт ва шифохонаю-мактабларни таъмирдан чиқаради.

Қисқаси, мамлакатни қайта тиклаш ишлари бошланди. Буни поёнига етказиш учун эса Ироқда тинчлик ўрнатилиши лозим. Бироқ мамлакатда ҳали қаршилик кўрсатувчи кучлар мавжуд. Шунинг учун ҳам АҚШ маъмурияти Ироққа тинчлик контингентлари жўнатишларини сўраб, бир неча давлатга мурожаат этди. Ва бунга жавобан Болгария, Эстония, Руминия ўз контингентларини жўнатишга келишиб олдилар. Контингент таркибида сапёрлар, ғаввослар, қуруқликдаги пиёдалар ва бошқа бир қанча ихтисосликлар бўйича мутхассислар бор. Фаластин раҳбарияти ҳам ўз тинчлик контингентини Ироққа жўнатишга рухсат сўраб Араб давлатлари лигаси (АДЛ)га мурожаат этди.

Дарвоқе, шанба куни Бағдодда зиёлилар ижодий вакилларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда ёзувчилар, журналистлар, рассомлар, ўқитувчиларнинг мустақил қўмиталарини тузишга қарор қилинди ва мустақил демократик Ироқ давлатини тезроқ оёққа турғазишда барча зиёлилар ҳамкорликка чақирилди.

Йиғилишда иштирок этган журналистлар «Бағдод» дея номланган янги мустақил газетани келгуси ҳафтадан чиқаришга келишиб олдилар. Радио шу ҳафтадан, телевидение эса яна 2 ҳафтадан сўнг иш бошлайди.

Эслатиб ўтамиз: радио ва телевидение 8 апрелдан, «Ас-Саура», «Бобил», «Ал-Жумхурия» сингари газеталар ва умуман барча нашрлар 10 апрель — Ҳусайн тузуми ағдарилгач фаолиятини тўхтатган эди.

«Мана энди янги ҳаёт қуришга имконият туғилди. Бу борада сиёсий партиялар учун ҳам кенг йўл очилди» деди Бағдоднинг муваққат маъмурияти ижроия қўмитаси раиси Муҳаммад Мухсин ал-Зубайдин.

Дарҳақиқат, ҳозир Ироқда сиёсий партиялар сони 65 тадан ортиб кетди. Бу эса демократик Ироқни қайта тиклаш ва авлодлар келажаги учун муносиб ҳаёт тарзини шакллантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Алимқул СУЛТОН

ҳокимият» ҳамкорлиги

Бундан ташқари, гоҳида муайян ишни кўрган судья шаънига шундай киноялар сўзлар янграйдики, мақолани ўқиб ёқа ушлашдан ўзга нажот тополмай қоласан. Ҳеч кимнинг хаёлига келмаган «таъриф ва таснифлар», «бу билан судья таъмагирлик қилмадимикин» қабилидаги пичинг ҳамда киноялар ҳуқуқий жамият матбуотига мутлақо хос эмас, деб ўйлайман. Агар бирор судья тегишли малака ҳайъатлари томонидан айбдор деб топилса, маълум бир жазога тортилса, бошқаларга сабоқ бўлиши учун у ҳақда матбуотда бамақсадида судьяларга қандай бўлмасин бирон-бир тарзда таъсир этиш қонунга мувофиқ жиноий жавобгарликка сабаб бўлади.

Судьядан кўрилаётган иш юритишдаги ишлар моҳияти бўйича бирон-бир тушунтиришлар беришни, шунингдек... кимга бўлмасин, танишиб чиқиш учун ишларни тақдим этишни талаб қилиш таъқиқланади.

Оммавий ахборот воситалари ўз хабарларида муайян иш юзасидан суд муҳокамаси натижаларини олдиндан ўзича ҳал қилиб қўйишга ёки судга бошқабий фикр билдиришга унчалик ҳам шошилмайдилар. Фикримизча, бу улардаги ўта муҳим хусусиятдир. Ҳатто, мабодо суд қарори билан иш ёпиқ мажлисда кўриладиган бўлса, журналистлар унга қўйилмаганликлари учун эътироз билдирмайдилар. Чунки, қонунга кўра, бу мумкинлигини биладилар.

Сир эмас, айрим мансабдор шахслар, айниқса, суд-ҳуқуқ соҳаси мутасадди раҳбарларининг матбуотга муносабатлари секинлик билан ўзгармоқда. Мухбир билан юзма-юз бўлишни истамаслик, ҳаққоний танқидий мулоҳазага ҳам жазава билан қараш, ўч олиш ҳаракатида бўлиш каби эски тузум иллатларига ҳали ҳам дуч келмоқдамиз.

Хўш, ҳамкорликдаги фаолиятимизда бу каби камчиликлар бор экан, уни бартараф этиш йўллари қандай?

Ҳар қандай ижтимоий ислоҳотлар, шу жумладан, суд-ҳуқуқий ислоҳотлари ҳам ахборот таъминотига муҳтождир. Суд ҳокимиятининг самарали фаолият юритиши, аҳолининг ишончига сазовор бўлиши журналистларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишни ҳам зарурият қилиб қўяди. Журналистларнинг ҳуқуқий соҳа бўйича ихтисослашувини таъминлаш олдимизда турган кўплаб муаммоларнинг ҳал этилишига хизмат қилади, деб ўйлайман.

Бундан ташқари, суд ҳокимияти ва оммавий ахборот воситалари ўртасидаги ўзаро муносабатни янада яхшилаш, янги босқичга кўтариш учун қатор ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар ни амалга ошириш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Масалан, оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган суд фаолиятига оид материалларни таҳлил этиб бориш, бу таҳлиллар асосида суд ва ОАВ ходимлари учун аниқ тавсиялар ишлаб чиқилса, суд ҳокимияти ва ОАВ муносабатлари бўйича хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш фойдадан ҳоли бўлмайди.

Биз Олий хўжалик судининг «Хўжалик ҳуқуқи» ўқув маркази дастурига суд ҳокимияти ва оммавий ахборот воситаларининг ўзаро ҳаракати муаммолари бўйича махсус курсларни киритиб, ўқув машғулотларини амалга оширишни режалаштираяпмиз.

Мавжуд муаммоларнинг ечимини биргаликда, бир-бирларимизга кўмак бериш йўли билангина топишимиз мумкин. Журналистларнинг ОАВ учун турли маълумотлар олишларини осонлаштириш мақсадида Олий хўжалик судида Матбуот маркази ишлаб турибди. Жойлардаги хўжалик судларида ҳам Матбуот котиблари фаолият кўрсатмоқда. «Хўжалик ҳуқуқи» ўқув марказида ижодкорларимиз истаган пайтларида малака оширишлари мумкин. Бундан ташқари, малакали ҳуқуқшуносларимиз журналистларни қизиқтирган саволларига ҳар доим жавоб беришга тайёр.

Бир сўз билан айтганда, ҳамма қатори оммавий ахборот воситалари ходимлари учун эшикларимиз ҳамиша очиқ!

Шуҳрат РЎЗИНАЗАРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди раисининг ўринбосари,
Рўзибой САИДОВ,
Матбуот маркази раҳбари

тафсил ёзиш ҳам ахборот воситасига, ҳам судга фойда келтиради.

Тўғри, оммавий ахборот воситалари эркин фикр минбаридир. Унда аниқ фактларга асосланган маълумотлар, фикрлар қаторида баҳсталаб, ҳатто умуман ҳақиқатга зид мулоҳазалар ҳам янграши табиий. Бироқ гап Парламент томонидан қабул қилинган ва Президент имзолаган қонун, «Ўзбекистон Республикаси номидан» деб чиқарилаётган суд ҳужжати тўғрисида кетаётганда ниҳоятда аниқлик талаб этилади. Бу ҳақда гапириш учун етарли далил, ҳар томонлама пухта айтилган асос бўлмоғи лозим. Журналистик тахминлар, фаразлар эса суднинг охирги ҳал қилув қарори бўйича билдирилса, нур устига аъло нурдир. Қолаверса, «Судлар тўғрисида»ги Қонуннинг 69-моддасида жумладан, «...Муайян ишни ... кўришга тўсқинлик қилиш ёки ғайриқонуний суд қарори чиқарилишига эришиш ача тарзда таъсир этишга ҳақли эмас», деб ёзиб қўйилганлигини зинҳор унутмаслик керак.

Ўз навбатида судья оммавий ахборот воситаларининг суд фаолиятини ёритишига ва унга зарурий ёрдам кўрсатишга ҳурмат ҳамда тушуниш билан муносабатда бўлиши лозим. Агар бу суд жараёнини ўтказишга халақит бермаса ва судга таъсир кўрсатиш учун фойдаланиш воситаси бўлиб қолмаса, албатта.

Ўрни келганда, яна бир мулоҳазани айтиб ўтсак. Ривожланган демократик давлатларнинг оммавий ахборот воситалари ва суд ҳокимияти ўртасидаги ҳамкорликнинг биз ўрганишимиз лозим бўлган жиҳатлари оз эмас. Кузатувларимизга кўра, хорижий оммавий ахборот воситалари (АҚШ, Англия, Россия ва бошқалар) суд-ҳуқуқ тизими тўғрисида ёзаётганларида кўпроқ ахборот тарзидаги материалларни эълон қилиш билан чекланадилар. Муайян суд қарорига нисбатан ижобий ёки сал-

БИЗ БИЛГАН ВА БИЛМАГАН ТАРИХ

Хатирчида бир сир бор

ТАРИХЧИ ВА ҚАДИМШУНОС ОЛИМЛАР ДИҚҚАТИГА

Хатирчи туманининг Тасмачи қишлоғида Маматқул Маматов деган фидойи отахон бор. Узоқ йиллар мактабда ёш авлодга тарбия берган. Бугун қишлоқ оқсоқоли, «Буюк хизматлари учун» орденининг соҳиби. Тиниб-тинчимас инсон. Бир куни чопонини елкасига ташлаб, «ҳаю ҳут» билан Тошкентга келиб қолдилар. «Қишлоғимиз ёнидаги эски қабристонда катта кўктош бор, ўша ерда катта бир одам ётибди, олимларни тўплаб, бир бормайсизларми?!» деди у киши. Отахоннинг айтишича, қабр устидаги бу тош жуда қадимий, бебаҳо. Бу тош ҳақида кўп ривояти афсоналар бор экан. Ҳатто бу азиз жой Жалолиддин Мангубердига боғлиқ бўлса керак, деган тахминлар юраркан...

Тўғриси, бу маълумот бизни қизиқтириб қолди. Ҳозирги кунда бирданига мутахассисларни тўплаб, сафарга чиқиш осон эмас, албатта. Аввалига ўзимиз бир кўриб, суриштириб келайлик-чи, дея йўлга отландик. Бизнинг бой тарихимизни мана-ман деган сайёҳлару, дунёнинг илмини сув қилиб ичган қанчаданқанча олимлар ўрганмаган дейсиз. Шарқдан хитойлар, ғарбдан испанлару можарлар: Сён-Сюзи, машҳур Клавихо, ибн Батуталар қадим, кўҳна Она тарихимизни кўзларига суртиб ўрганишган. Биз-чи?! Биз бурнимиз остида турган ноёб гавҳарни (эҳтимол у ҳақиқатан ноёбдир) жилла қурса, бир бориб кўришга эринамизми?!

Мен Амир Темур жамғармаси қошидаги «Амир Темур илмий экспедицияси» раҳбари Фахриддин Ашрафхўжаевга отахоннинг илтимосини етказдим. Фахриддин ака: «— У ҳам тарихимизнинг бир парчасидир, бориб ўрганамиз, керак бўлса, машинамда олиб-бориб келаман сизларни», деди дангаллик билан. Кўнглим кўтарилди, ёруғ юз билан сафарга тайёргарлик кўрдик.

Хатирчи туманининг тарихини, қишлоқларини ўргандик. Эртага йўлга чиқамиз деган кунимиз, тарихчи Ҳомидхон Исломий биз билан бирга кетишларини маълум қилди. Араб тили ва имлосини биладиган мутахассис керак эди бизга.

Хатирчи тумани марказига кириб келганимизда, кун анча кеч бўлиб қолган, аммо ҳаво иссиқ эди. Биз Янгироботдан ўтиб, Янгиқишлоқ, Буғирдоғ, Урганчи, Жалойир, Чиғатой ва Олтинобод қишлоқлари оралаб, Тасмачига етиб келдик. Қишлоқнинг юқори қисмида Барбар шаҳри қолдиқлари ва унинг ёнида катта қабристон. Қабристон қарийб 30 гектарни ташкил этади. Бу ерда кейинги 100 йил давомида умуман бирор киши кўмилмаган экан. Демак, бу жой узоқ тарихга эга, унинг бағрида неча минг йиллик сир-синоат яширин ётибди. Хусусан, Барбар шаҳри ҳақида нима биламиз? Юқоридаги қишлоқларнинг номлари нимани англатади? Қишлоқларни кесиб ўтадиган канал нима учун Шовот деб аталган?.. Бир-бирига занжирдек уланган бу саволларга жавоб топишимиз керак-ку.

Мени яна бир нарса ҳайратга солди. Биз Маматқул ака тилга олган Кўктошга яқинлашар эканмиз, бирдан кучли шамол турди, осмонни оқ-қора булутлар қоплади, кўк мўъжизаси — камалак жило таратди. Енгил ёмғир ёғиб ўтди...

Ниҳоят, биз ўша машҳур Кўктош ёнидамиз, узунлиги икки метр, баландлиги бир метрлар атрофида. Бунақа қимматбаҳо тошлар фақат буюк инсонларнинг қабрига қўйилган. Дунё бўйича улар саноқлидир. Кўктошнинг олд томонида араб ёзувида қуйидаги сўзлар битилган:

«Улуғ амир,
султонлар суянчи
Жалолиддин
бинни Малик,
Оллоҳ мағфират
қилган икки
Шоҳлик амири бўлди.

Рабби-ул-аввал ойининг учинчиси, Ҳижрий 850 йил».

Тошдаги бу битикларни Ҳомидхон Исломий тасмачилик Муллосодиқ Икромов билан биргаликда ўқидилар.

Тошнинг тепа ён қисмларида ҳам араб ёзувида битиклар бор. Мен улардан кўчирма олганман. Бу ёзувларни ҳали ҳеч ким ўқий олгани йўқ. Ёрдам сўраган одамларим уларни ўқишга қийналишмоқда. Айримлар уларни эски араб ёзуви дейишмоқда. Уларда нима битилган? Биз бу ёзувларни ўргансак, сир-асрорга калит топамиз, ноёб тарихий маълумотларга эга бўламиз, деб ўйлайман. Тахмин қилишларича, улар Қуръон сураларидан кўчирма бўлиши мумкин. Лекин бу ўринда бир нарсани назардан қочирмаслик лозим. Қадимда ота-боболаримиз тошга битган ҳар бир сатр ёки суратда қимматли сирлар яширинган.

Масалан, Жалолиддин бинни Малик ким бўлдийкин? Уни улуғ амир, султонлар суянчи, дея таърифлашмоқда. Устига-устак, у икки шоҳлик амири бўлган экан? Қайси шоҳликлар ҳақида гап бормоқда? Ёки?.. Агар, бу сана ўша зотнинг вафот этган йилини кўрсатаяпти, десак, нега унда унинг туғилган санаси аниқ кўрсатилмаган? Ва нега бу сана ёзувнинг охирида бериляпти? Одатда, бирор қабр устига қимматбаҳо тош ёки мақбара қурилса, ёзув охирига уни битказилган, ўрнатилган санаси кўрсатилади.

Хуллас, Тасмачидан бир олам савол билан қайтдик. Эҳтимол, бу ерда юртимизнинг Далварзинтепа ёки Афросиёбга ўхшаш нодир тарихи яширин ётгандир? Эҳтимол улуғ аждодларимиздан қай бирларининг ҳаёти, тақдири шу шаҳар билан боғлиқдир? Нима бўлганда ҳам, назаримда Барбарлар шаҳрининг сири ўзининг тадқиқотчиларини кутмоқда.

Тўлқин ҲАЙИТ

Маънавий-маърифий ўқув

Республика «Маънавият ва маърифат» маркази қошида ҳар ой анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Маънавият тарғиботчилари» навбатдаги гуруҳи ўқуви давом этмоқда. Унга Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри маънавият ва маърифат соҳасига дахлдор мутахассислар жалб этилган.

Ўн кун давомида Президент Ислом Каримов асарларида янги жамият қуриш назарияси ва амалиёти, миллий истиқлол ғояси, маънавият асослари, тарихга янгича муносабат, раҳбар маънавияти, Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш ва ҳуқуқий маданият асослари курслари бўйича Ғ.Абдумажидов, С.Олимов, А.Мансуров, У.Уватов, З.Исомиддинов, М.Раҳмонова ва Б.Тошев каби таниқли мутахассислар машғулотлар олиб боради.

Иштирокчилар пойтахтимизнинг Ўзбекистон тарихи, Темурийлар тарихи давлат музейлари ва бошқа диққатга сазовор маънавий-маърий масканларда ҳам бўлишади.

Фазлиддин АБИЛОВ,
республика «Маънавият ва маърифат» маркази ахборот гуруҳи ходими

Улуғбек Бақоев яна «Бухоро»да

Якшанба куни «Насаф» — «Гулистон» жамоалари учрашуви билан XII миллий чемпионатимизнинг 5-тур ўйинларига якун ясалди.

Ўтган турда Тошкентда «Пахтакор»га ютқазган қаршиликлар ҳужумкор ўйин намойиш этиб, ўз мухлисларини хурсанд қилишди — 3:0. Тўпларни Нурали Султонов, Дилшод Мавлонов (иккита)лар киритди.

Янги мавсумни муваффақиятсиз бошлаган «Машъал» ҳамда «Бухоро» футболчилари Бухорода ўзаро баҳс юритишди. Ушбу ўйинда сўнгги икки йилда Москванинг ЦСКА, «Торпедо-Зил» жамоалари шарафини ҳимоя қилган Улуғбек Бақоев «Бухоро» таркибида майдонга тушди.

Учрашувда бухороликлар чемпионатнинг дастлабки ғалабасини қўлга киритдилар — 2:1. Тўпларни И.Қурбонов, У.Бақоев («Бухоро»), Р.Қодиров («Машъал») киритишди.

Қолган ўйинлар қуйидагича тугади: «Нефтчи» — «Сурхон» — 2:0, «Андижон» — «Металлург» — 2:0, «Қўқон-1912» — «Қизилқум» — 1:3, «Навбаҳор» — «Цементчи» — 3:1, «Трактор» — «Дўстлик» — 1:1.

6-тур баҳслари 26 апрель куни бўлиб ўтади.

«Пахтакор» майдонга тушади

«Далян Шайд» — «Ал-Айн» учрашуви қолдирилди

Хабарингиз бор, бугун Осиё чемпионлари лигаси ярим финал баҳсларининг жавоб учрашувлари ўтказилади. Тошкентнинг «Пахтакор» жамоаси «Бек Теро Сасана» (Таиланд) футболчилари билан куч синашади.

Аммо Хитойда ўтказилиши кутилган ярим финалнинг иккинчи («Далян Шайд» — «Ал-Айн» (БАА) учрашуви бошқа кунга қолдирилди. Буни Осиё футбол конфедерацияси президенти Питер Велаппан қуйидагича изоҳлади:

— Шарқий Осиё давлатларида тарқалган ғайриоддий зотилжам хасталиги барчани бирдек ташвишлантирмоқда. ОФК ҳам Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг кунлик ҳисоботларини диққат билан кузатиб боряпти. Ҳисоботларда кўрсатилишича, ҳозирда Хитойга фақатгина ўта зарур юмушлар билан ташриф буюриш мумкин экан. Шу боис, Осиё футбол конфедерацияси «Далян Шайд» — «Ал-Айн» жамоаларининг жавоб учрашувни номаълум муддатга кўчирилганлигини эълон қилади...

Эркин ХОЛБОБО

Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6-уйда жойлашган «Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» холдинг компанияси очиқ акциядорлик жамияти акциядорларининг навбатдаги умумий йиғилиши 2003 йил 20 апрель соат 11.00 да компаниянинг мажлислар залида ўтказилди.

Умумий йиғилишда акциядорлар 100 фоиз қатнашдилар.

Кун тартиби бўйича умумий йиғилиш бир овоздан қуйидаги қарорларни қабул қилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони асосида холдинг компаниясининг Низомига ва ички низомларига ўзгартиришлар тасдиқлансин.

2. «Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» компанияси бошқарувининг 2002 йилдаги иш фаолияти ва компаниянинг 2003 йилги асосий йўналишлари тўғрисидаги ҳисоботи тасдиқлансин.

3. «Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» компаниясининг 2002 йилги бухгалтерлик баланси, фойда ва зарарлари тўғрисидаги ҳисоботи тасдиқлансин.

4. Олинган фойда Вазирлар Маҳкамасининг 18 июль 1997 йилдаги 363-сонли қарорига мувофиқ холдинг компаниясининг қайта тиклаш ва ривожлантириш жамғармасига ўтказилсин.

5. Қимматли қоғозлар бўйича 2 ЦБ шаклидаги 2002 йил ҳисоботи ҳамда компаниянинг 2003 йилги харажатлари сметаси тасдиқлансин.

6. 2002 йил бўйича Тафтиш комиссиясининг ҳисоботи тасдиқлансин.

7. 2002 йил бўйича ташқи аудитор хулосаси тасдиқлансин.

8. 2003 йилга холдинг компанияси аудитори этиб «Осиё-Аудит» фирмаси тайинлансин.

9. Холдинг компаниясининг Кузатув Кенгаши аъзолари Чориев К.А., Каримова М., Ҳайдаров Й.Т. бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан уларнинг ўрнига Вазирлар Маҳкамасининг бош мутахассиси Обидов М., Давлат мулки қўмитаси раисининг ўринбосари Хабиев Ф.М. ва бошқарма бошлиғи Гадоев Ю.Д. номзодлари тасдиқлансин.

10. Холдинг компанияси бошқарув кенгашининг аъзолари Тошкенбоев А.Х. ва Ҳамидов С.Х бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан ҳамда вакансия ўрнига раисниг ўринбосари Данияров З.Х., Ҳусанов Т.Х. ва Абдулазизов Ш.Х. номзодлари тасдиқлансин.

Ҳурматли курсдошлар!

1973 йили Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎзМУ) Геология факультетини тугатган талабалар 8 май, соат 10.00 да факультет биносида бўлиб ўтадиган 30 йиллик учрашувга таклиф қилинадилар.

Мурожаат учун манзил:

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, Геология факультети.

Тел: 46-08-54.

«Кеш» очиқ ҳиссадорлик жамиятининг умумий йиғилиши 2003 йил 25 июнь куни соат 10.00 да Қашқадарё вилояти, Шаҳрисабз тумани «Янги қишлоқ» қишлоғи, «Кеш» ОҲЖ маъмурий биносида ўтказилади.

Кун тартиби:

1. «Кеш» ОҲЖ бошқарув раиси ҳисоботини эшитиш ва тасдиқлаш.

2. Тафтиш комиссияси раиси ҳисоботини эшитиш ва аудитор хулосасини тасдиқлаш.

3. Кузатув Кенгаши, Тафтиш комиссияси, бошқарув аъзоларининг янги таркибини сайлаш.

4. Фойдани тақсимлаш ва чиқарилган акцияларга дивидендлар ажратиш.

5. «Кеш» ОҲЖ Низомининг 4,7; 4,8; 4,20-бандларига ўзгартиришлар киритиш.

6. 2003 йил якуни бўйича аудиторни тасдиқлаш.

7. Янги Кузатув Кенгаши раисини сайлаш ва унинг фаолияти учун моддий рағбатлантириш миқдорини белгилаш.

8. «Кеш» ОҲЖ бошқарув раисини танлов йўли билан сайлаш.

Акциядорлар реестри 2003 йил 20 май ҳолатига ёпилсин.

КУЗАТУВ КЕНГАШИ

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОРЛАР!

Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази 2003 йил 23,30 май, 6,13,20,27 июнь кунлари соат 10⁰⁰да Давлат мулки қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси биносида кимошди савдолари ўтказади.

КИМОШДИ САВДОЛАРИГА ҚУЙИДАГИЛАР ҚЎЙИЛАДИ:

1. Тошкент шаҳар, Сирғали тумани суд ижрочилари бўлинмаси томонидан тақдим этилган Тошкент шаҳар, Сирғали тумани, А.Аҳматова кўчаси, 20-уйда жойлашган умумий майдони 648 кв.м. бўлган «Узбектранстрой»га қарашли ЭП-757 корхонасининг соғломлаштириш комплекси, **бошланғич нархи 28080000 сўм.**

2. Тошкент шаҳар ҳокимлиги Капитал қурилиш бош бошқармасига қарашли Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Ибн Сино даҳасида жойлашган қурилиши тугалланмаган «Хизмат кўрсатиш мажмуаси», **бошланғич нархи 2504940 сўм.**

Савдода қатнашиш учун харидорлар объектларининг бошланғич нархининг 10 фоизи миқдорида гаров пули тўлашлари шарт. Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари билан боғлиқ барча масалалар юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16а-уй, 402-хона.

Телефонлар: 133-20-74, 132-25-51.

O'zminbuloq ОАО «ЎЗТАЪМИНБУЛОҚ»

ПРОВОДИТ ТЕНДЕР НА ЗАКУПКУ МЕТАЛЛОПРОКАТА

Все предприятия и организации, желающие принять участие в проведении тендерных торгов, могут направлять свои предложения в течение 30 дней с момента выхода данного объявления

по адресу: г. Ташкент, ул. Амира Темура, 25

Контактные телефоны:

137-64-38, 137-53-68

Ҳикматли сўзлар маъноси

Ватан гадоси — кафан гадоси

«Ватансиз инсон — қуйсиз булбул». Халқимиз бу каби мақолларида Ватанни севиш, унга содиқ бўлиш зарурлигини уқтиради, униб-ўсган ерни ношукурчилик қилиб ташлаб кетиш жуда ёмон ва хунук оқибатларга олиб боришини кўрсатади.

Ватанинг тинч — сен тинч

Бир туркум мақолларда Ватаннинг тинчлигини сақлаш, унинг дахлсизлиги, озодлиги ва мустақиллигини таъминлаш, она-тупроқни душман оёғи остида топтатмаслик, вайрон бўлишига йўл қўймаслик, кўплашиб, бир ёқадан бош чиқариб, ёвга қарши шафқатсиз кураш олиб бориш, бу йўлда ҳатто жонни ҳам аямаслик — Ватан олдидаги олий бурч эканлиги уқтирилади. Вар.: «Ватанга фалокат — ўзингга ҳалокат»; «Ватаннинг вайронаси — умрнинг ғамхонаси»; «Элинг омон бўлса — сен омон»; «Она-юртинг омон бўлса, Ранги-рўйинг сомон бўлмас».

Ваъдага вафо — марднинг иши, ваъдасиз — субутсиз киши

Чин инсон ҳамиша ваъдасига вафодор бўлмоғи зарур. Бировга берилган ваъданинг устидан чиқмаслик — номардлик ва субутсизликнинг ўзгинасидир. Бирмунча мақолларда шу нарса ўз аксини топган: «Ваъда — тош девордан қаттиқ» (яъни, ваъда — тупроқ девордек ёғин-сочинга бардош беролмай, емирилиб, нураб, йиқилиб кетувчи эмас, у бамисоли тош девордек мустаҳкам, чидамли ва бузилмасдир); «Отдан отнинг неси кам, Ўзи тарлон кўк бўлса, Эрдан эрнинг неси кам, Ваъдасига берк бўлса»; «Ваъда — вафоси билан гўзал»; «Эрман деганнинг ваъдаси — туз, Ваъдаси туз бўлмаса, умидингни уз» (туз — бу ерда «тўғри» деган маънода); «Ваъдага вафо синоқли кунда синалади»; «Қуруқ ваъда — бўш омбор»; «Қуруқ ваъда — пуч ёнғоқ»; «Шўр сувда совун кўпирмас, Қуруқ ваъда қорин тўйдирмас».

Тошкент шаҳридаги «Гулдаста» кичик корхонасининг думалоқ ва тўртбурчакли муҳрлари йўқолгани сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти ректорати, касаба уюшма қўмитаси, профессор-ўқитувчилари «Ўзбекистон тарихи» кафедраси мудири Асат Ниязович Абдуллаевга синглиси **Гулнора АБДУЛЛАЕВА**нинг бевақт вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Тошкент Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти ректорати, касаба уюшма қўмитаси, профессор-ўқитувчилари «Гидромелиорация ишларини механизациялаштириш» кафедрасининг доценти **Геннадий Дмитрович СМЕЛОВ**нинг бевақт вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ҳамда қариндошларига чуқур таъзия билдиради.

BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI

Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA'DULLAYEV
Rahima HAKIMOVA
To'lepbergen QAIPBERGENOV

MUASSIS:

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:

Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma'naviyat va ma'rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat 133-72-83
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80, 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:

Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:

700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi
Ilhom KAROMOV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchilar
Ikromjon ISMOILOV
Elyor UBAYDULLAYEV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili:
Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 328

12370 nusxada bosildi

Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 22.00
1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA